

Ал-Азкор / Ал-Азкор / 270-ҳадис

* في سنن أبي داود، والترمذى، والنسائى، وغيرها، عن عبد الله بن عمرو بن العاص رضي الله عنهما قال: قال رسول الله صلى الله عليه وسلم: "لا يفقه من قرأ القرآن في أقل من ثلاثة".

270/1. Абдуллоҳ ибн Амр ибн Осс розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Ким Қуръони каримни уч кундан оз фурсатда хатм қилса, маъноларини англамайди», дедилар.

Абу Довуд, Термизий, Насаййлар ривоятлари.

Аммо Қуръон ўқиши қачон бошлаш ва хатм қилиш-тугатиш вақти қорини ихтиёридадир. Масалан, Усмон розияллоҳу анху бир ҳафталик хатмларида жума кечаси бошлаб, пайшанба кечаси тугатар эдилар. Абу Ҳомид Фаззолий «Иҳёу улумиддин» китобларида: "Хатмларни афзали кечасидаги хатм ва кундузидаги хатм. Кундузги хатм душанба куни бамдод намозининг икки ракъатида ёки ундан кейин тугатилади. Кечасидаги хатм жума куни шом намозининг икки ракъатида ёки ундан кейин тугатилади. Шунда кундузини аввали ва охирига етишади", деб айтганлар.

Ибн Абу Довуд улуғ тобеъин Амр ибн Муррадан қилган ривоятларида: «Улар Қуръонни кечанинг аввалида ёки кундузни аввалида хатм қилишни яхши кўрардилар», дейди.

Улуғ тобеъинлардан Толҳа ибн Мусорриф айтадилар:

«Ким Қуръонни кундузни қайси пайтида хатм қилса, фаришталар кеч киргунгача у кишига саловот айтишади. Ва тунни қайси пайтида хатм қилса, тонг отгунча саловот айтишади».



NUBUVVAT MARVARIDLARI